

Кредитнинг тўлиқ
қиймати - _____%
(_____)

№ _____- СОНЛИ ТРАНСПОРТ КРЕДИТИ ШАРТНОМАСИ

№ _____ шаҳар

№ _____

Чет эл капитали иштирокидаги "NAMKORBANK" АТБ (бундан буён матнда «Банк» деб номланади) номидан «_____» _____ 20__ йилдаги № _____-сонли ишоннома асосида ҳаракат қилувчи банкнинг № _____ филиали бошқарувчиси № _____ бир тарафдан ва (бундан буён матнда «Қарздор» деб юритилувчи) № _____ уйда яшовчи фуқаро № _____ (паспорт маълумотлари: серия: № _____ № _____, _____ йил, _____ дан берилган) иккинчи тарафдан, (бундан буён матнда «Биргаликда кредит олувчи» деб юритилувчи) _____ уйда яшовчи фуқаро _____ (паспорт маълумотлари: серия: _____ № _____, _____ йил, _____ дан берилган) учинчи тарафдан, ушбу шартномани (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Асосий тушунчалар

1.1. Транспорт сотиб олиш учун кредит – Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун банк томонидан бериладиган кредит.

1.2. Кредит олувчи – автотранспорт воситасини сотиб олиш учун банкдан кредит оладиган ва олинган суммани кредит шартномасида белгиланган шартлар асосида қайтариш мажбуриятини қабул қиладиган, муомила лаёқатига эга бўлган жисмоний шахс.

1.3. Кредит ёки қарзнинг тўлиқ қиймати – қарз олиш билан боғлиқ тўловларининг ҳаққоний, йиллик ва самарали ҳисоблашдаги фоиз ставкаси ҳамда тўлиқ қиймати.

1.4. Биргаликда кредит олувчилар – кредит олувчи билан шаҳар (туман) ИИБдан қайддан ўтказилган яшаш манзилида (паспорт бўйича) умумий рўзғор асосида бирга яшайдиган, кредит ва унинг фоизлари бўйича ойлик тўловларида иштирок этувчи ва уни қайтаришда биргаликда (солидар) жавобгар бўладиган унинг яқин оила аъзолари (эри, хотини, ота-онаси, болалари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари, боболари, бувилари, неваралари).

1.5. Кредитни қайтариш жадвали – кредит шартномасига илова қилинган, кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, банк ва қарз олувчи томонидан имзоланган кредитнинг барча келгуси тўловлари жадвал шаклида кўрсатиладиган ҳужжат.

2. Шартнома предмети

2.1. Банк қарздорга шартномада кўрсатилган миқдорда ва шартлар асосида № _____ автотранспорт воситаси сотиб олиш учун транспорт кредити бериш мажбуриятини, қарздор эса ўз навбатида олинган пул маблағларини белгиланган муддатда қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганлиги учун фоизларни тўлаш мажбуриятини олади.

2.2. Кредит маблағи шартномада кўрсатилган шартлар асосида Қарздорнинг ссуда ҳисоб рақамидан автотранспорт воситасини реализация қилувчи/ишлаб чиқарувчи корхонанинг _____ сонли ҳисоб рақамига «_____» _____

201__ йил кунги ____ - сонли шартномага асосан 100% пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. Илгари олинган кредитлар бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш таъқиқланади.

3. Томонларнинг мажбуриятлари.

3.1. Қарздор ва биргаликда кредит олувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Кредит ва у бўйича ҳисобланган фоизларни мазкур шартномага илова қилинган кредитни қайтариш жадвалида белгиланган муддатларда ўз вақтида қайтариш ҳамда тўлаш.

3.1.2. Кредитдан фақат мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган мақсадларда фойдаланиш.

3.1.3. Кредитдан фойдаланиш жараёни давомида кредитлашнинг асосий тамойиллари: муддатлилиқ, қайтаришлиқ, мақсадлилиқ, тўловлилиқ, кредит қайтарилишининг ишончилиги ва таъминланганлигига риоя қилиш.

3.1.4. Кредитни мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни Банкка тақдим этиш.

3.1.5. Ўзининг иш жойи, яшаш жойи, фамилияси ва исми ўзгарганда ва мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларини бажарилишига салбий таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар тўғрисида 10 кун ичида Банкка хабар бериш.

3.1.6. Сотиб олинаётган автотранспорт воситаси қийматининг ____% бўйича реализация қилувчининг ҳисоб рақамига тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этиш;

3.1.7. Сотиб олинаётган автотранспорт воситаси реализация қилувчи ташкилот томонидан етказиб берилиб, белгиланган тартибда гаров шартномаси расмийлаштирилгунга қадар, кредитнинг тўлиқ муддати ва тўлиқ қийматига суғурта полисини тақдим қилиш.

3.1.8. Сотиб олинаётган автотранспорт воситаси реализация қилувчи ташкилот томонидан етказиб берилган кундан 20 (Йигирма) календар кун муддат ичида белгиланган тартибда кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш. Бунда, гаровни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қарздор томонидан тўлиқ амалга оширилади.

3.1.9. Агар кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мулкка шикаст етказилган, турли сабабларга кўра яроқсиз ҳолга келиб, мулкни яроқли ҳолатга келтириш имконияти йўқ бўлган тақдирда, 10 (Ўн) кун ичида гаров мулкни юқори ликвидлик бўлган бошқа мулкни гаровга қўйиш йўли билан, кредит таъминотини алмаштириб бериш.

3.1.10. Кредит ва унга ҳисобланган фоизлар тўловини қарздор пластик картасидан автомат ушлаб қолиниши учун банкнинг автотўлов хизматига уланишига ва бу бўйича телефон рақамига SMS хабар жўнатилишига

Қарши эмасман [] _____ Қаршиман [] _____

3.1.11. Кредитни қайтариш графиги бўйича тўлов кунидан 1(бир) кун олдин кредит тўлови ҳақида огоҳлантирувчи SMS хабар жўнатилишига

а) Қарши эмасман [] _____ Қаршиман [] _____

б) SMS хабар юбориш учун тақдим этилган мобил телефон рақами ўзгарганда ушбу ўзгариш ҳақида банкни хабардор қилиш ва янги мобил телефон рақамини банкка тақдим этиш.

в) Қарздор мобил телефон рақами ўзгарганлиги ҳақида банкни ўз вақтида огоҳлантирмаганлиги сабабли келиб чиқадиган яъни, SMS хабар банкка берилган дастлабки телефон рақамидан янги фойдаланувчига юборилганлиги

оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар учун қарздорнинг ўзи жавобгар.

3.2. Банкнинг мажбуриятлари:

- 3.2.1. Олинган кредитни ҳисоблаш учун қарздорга ссуда ҳисоб рақамини очиш.
- 3.2.2. Қарздорга мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва шартларда кредит бериш.
- 3.2.3. Қарздорни Банк томонидан кредитни муддатидан илгари ундириш ҳолати ва сабаблари ҳақида хабардор қилиш.
- 3.2.4. Қарздорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан транспорт кредити бериш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида қарздорга ишончли ҳамда тўлиқ ахборотни маълум қилиш.
- 3.2.5. Ўн иш куни ичида қарздор томонидан берилган ариза ва қарздорга кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда бир иш куни ичида шартнома бўйича қарздор томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиш.
- 3.2.6. Ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги оқибатида, шу жумладан қарздорга нисбатан мажбуриятларни бузганлиги учун қўлланиладиган неустойка (жарима, пеня) ва уларнинг натижасида қарздорнинг харажатлари суммаси ошиши эҳтимоли мавжудлиги ҳақида огоҳлантириш.
- 3.2.7. Шартнома бўйича қарздорни муддати ўтказиб юборган қарздорликни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганлиги ҳолати, муддати, суммалари, таркиби ва оқибатлари ҳақида хабардор қилиши, қарздордан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида сўраш.
- 3.2.8. Қарздор шартнома бўйича қарзнинг асосий суммасини қайтариш ва (ёки) фоизларни тўлаш муддатларини бузганда, банк шартномада назарда тутилган усулда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини қарздор га етказди.
- 3.2.9. Кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, Кредитор Қарз олувчи зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календар куни давомида Қарз олувчи билан шартномада келишилган ҳар қандай алоқа боғлаш усулларида, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, Қарз олувчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида (тақдим этилган сўндириш жадвалидан келиб чиққан ҳолда) хабар беради.
- 3.2.10. Қарздордан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушса, у ҳолда банк келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини қарз олувчининг кредитининг асосий қарзини сундиришга йўналтиради ҳамда кредит суммасини қайта ҳисоблайди.
- 3.2.11. Агар, кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки шартномада кўзда тутилган ўзгарувчан фоиз ставкаси ўзгариши, кредит шартномасининг шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқилиши (шу жумладан кредит реструктуризация қилиниши), қарз олувчи томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши (қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушса, у ҳолда банк келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини қарз олувчининг кредитининг асосий қарзини сундиришга йўналтиради) муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг миқдорлари ўзгарганда банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштиради, ва қарз олувчига тақдим қилади. Бунда,

кредитни қайтариш жадвали янгида расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади.

3.2.12. Банк қарз олувчининг ва (ёки) гаровга қўювчининг суғурта компанияси ва (ёки) баҳоловчини танлаш ҳуқуқини чекламайди.

3.2.13. Банк қарз олувчи томонидан шартномага асосан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича:

- гаровда турган мулкни таққидан чиқариш;
- гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўради.

3.2.14. Банк қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, ушбу кредит бўйича маблағлар беришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қарз олувчига кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма хабарнома юборади.

3.2.15. Қарз олувчи томонидан кредити бўйича қарздорлик тўлиқ тўланганидан сўнг, банк мазкур қарздорлик бўйича амалга оширилган охириги тўлов санасидан кейин 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай қарз олувчига кредит бўйича қарздорлик тўлиқ тўланганлиги ва ушбу кредит шартномаси бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ёзма хабар беради.

4.Томонларнинг ҳуқуқлари.

4.1. Қарздор ва биргаликда кредит олувчининг ҳуқуқлари:

4.1.1. Олдиндан (икки ҳафта ичида) Банкни хабардор қилиб, кредит олишдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш.

4.1.2. Кредит бўйича қарзни муддатидан олдин қайтариш.

4.1.3. Кредитлаш ва ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш.

4.1.4. Банкдан шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш.

4.1.5. Шартнома шартларининг шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилишини талаб қилиш.

4.1.6. Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан транспорт кредити бериш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олишга ҳақли.

4.1.7. Қарздор олинган кредит тўловларини масофавий банк хизматларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши мумкин.

4.1.8. Қарздор кредит учун тўловларни амалга ошириш шаклини ўзи мустақил танлаш ҳуқуқига эга.

4.1.9. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси тури (ўзгармас ёки ўзгарувчи фоиз ставкаси) ҳамда кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш усули (дифференциал ёки аннуитет усулида) ўзи мустақил танлаш ҳуқуқига эга.

4.2. Банкнинг ҳуқуқлари:

4.2.1. Банк қарздорнинг ссуда ҳисоб-рақамидан кредит маблағини фақат ушбу шартноманинг 3.1.6 ва 3.1.7 бандлари шартлари бажарилгандан сўнггина ўтказиб беради.

4.2.2. Қуйидаги ҳолларда Қарздордан фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин кредит таъминотига қаратиш орқали ундириш:

- кредитдан мақсадсиз фойдаланилганда;
- кредитни қайтариш жадвали бўйича тўлов талабини камида уч ва ундан ортик маротаба бузган тақдирда (*бунда қарздор томонидан тўловларни шартномада белгиланган кундан кечиктирилганлиги учун пеня тўлаганлиги олинган кредитни муддатидан олдин қайтармасликка асос бўлмайди*);

Бундай ҳолларда Банк олдиндан 10 кундан кўп бўлмаган муддат ичида Қарздорни хабардор қилиши лозим.

4.2.3. Кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган автотранспорт воситаси банкка гаров таъминоти сифатида шартноманинг 3.1.8-бандида белгиланган муддатда гаровга қўйилмаган тақдирда, қарздордан ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун шартнома суммасининг 0.1% миқдорида пеня тўлашни талаб қилиш.

4.2.4. Агар кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мулкка шикаст етказилган, турли сабабларга кўра яроқсиз холга келиб, мулкни яроқли ҳолатга келтириш имконияти йўқ бўлган тақдирда, 10 (Ўн) кун ичида гаров мулкни юқори ликвидлик бўлган бошқа мулкни гаровга қўйиш йўли билан, кредит таъминотини алмаштириб беришни талаб қилишга.

4.2.5. Бевосита Қарздор жойлашган ерда мақсадли текширишларни амалга ошириш.

4.2.6. Қарздор шартнома тузилган кундан эътиборан бир ой ичида транспорт кредитидан фойдаланмаган тақдирда, Банк шартномани бекор қилинганлиги ҳақида Қарздорни шартноманинг 11.3 бандида кўрсатилган тартибда ёзма равишда хабардор этиш орқали бекор қилиш.

4.2.7. Транспорт кредити бериш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни қарздордан сўраб олиш.

4.2.8. Қарздор даромад манбаларига нисбатан шубҳа уйғонганида ёки кредитни қайтарилиши муаммога айланганида банк ходимини қарздор иш жойига бориб унинг ҳақиқатда ушбу иш жойида ишлаётганлиги тўғрисида унинг иш жойидан тасдиқланган ҳолда маълумотнома олиш ва белгиланган муддатларда мониторинг ўтказишга ҳақли.

5. Шартнома баҳоси, кредит муддати, фоизи ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

5.1. Кредит суммаси: **??creditnumber??** (**??creditnumber??**) сўм.

5.2. Кредит бўйича фоиз ставкаси: Йиллик **??creditnumber??** % (**??creditnumber??**)

5.3. Кредитдан фойдаланиш муддати: **??creditnumber??** (**??creditnumber??**) ой муддатга.

5.4. Кредит суммасининг сўнгги қайтариш санаси: **??creditnumber??**

5.5. Кредитдан фойдаланганлик учун кредитнинг тўла миқдorigа фоизлар ҳар куни Банк томонидан ҳисоблаб борилади.

5.6. Кредит қарздорликни қайтариш шартноманинг ажралмас қисми бўлган иловада келтирилган қайтариш жадвали (1-илова) асосида амалга оширилади.

5.7. Қабул қилинган муддатли мажбуриятномалар ҳамда мазкур шартнома шартларига асосан ажратилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш банкнинг автотўлов хизмати, пластик карточка, нақд пул, пул ўтказиш йўли ва қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа тўлов усуллари билан амалга оширилади.

Бунда, аввал фоизлар бўйича ҳисобланган қарздорлик, кейин кредит бўйича асосий қарз қайтарилади (қопланади).

5.8. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни қарз олувчига ҳақиқатда берилган кредит асосий суммасининг қолдиғига нисбатан кредит шартномасида белгиланган номинал ставка бўйича ҳисобланади. Бунда,

кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар кредит суммаси қарз олувчининг ҳисобварағига ёки қарз олувчи томонидан кўрсатилган бошқа ҳисобвараққа ўтказилган ёхуд қарз олувчига нақд пул кўринишида берилган санадан бошлаб ҳисобланади, агар кредит шартномасида кредит тўловларини тўлаш даврида имтиёзли давр кўзда тутилган бўлса, унда имтиёзли даврнинг бошланиш куни кредит берилган санадан ҳисобланади.

6. Томонларнинг жавобгарлиги.

6.1. Қарздор/ биргаликда кредит олувчининг жавобгарлиги:

6.1.1. Асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда (муддати ўтган кредит), Қарздор Банкка бутун кечиктирилган давр учун шартноманинг 5.2.-бандида белгиланган фоиз ставкасининг 1,5 барабар оширилган миқдорида юкори фоиз тўлайди.

6.1.2. Асосий қарзни белгиланган муддатда тўламаганлиги ва улар бўйича муддати ўтган суммалар вужудга келгани учун Қарздор Банкка кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг **??creditnumber??** %и миқдорида пеня тўлайди.

6.1.3. Фоизларни белгиланган муддатда тўламаганлиги ва улар бўйича муддати ўтган суммалар вужудга келгани учун Қарздор Банкка кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг **??creditnumber??** %и миқдорида пеня тўлайди.

6.1.4. Кредитдан мақсадсиз фойдаланилганда, Қарздор Банкка кредит суммасининг 25 миқдорида жарима тўлайди.

6.1.5. Кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган автотранспорт воситаси банкка гаров таъминоти сифатида шартноманинг 3.1.8-бандида белгиланган муддатда гаровга қўйилмаган тақдирда Қарздор Банкка ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун шартнома суммасининг 0.1% миқдорида пеня тўлайди.

6.1.6 Қарздор кредит олиш учун банкка қалбаки ва ёлғон маълумотлар асосида расмийлаштирилган ҳужжатларни тақдим қилган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6.1.7. Фоиз, пеня ва жарималар кредит шартномаси йиллик суммасининг ярмидан ошмаслиги шарт.

6.2. Банкнинг жавобгарлиги:

6.2.1. Мазкур шартномада кўрсатилган муддатда кредит ажратилмаганда, Банк Қарздорга кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 % и миқдорида пеня тўлайди.

6.2.2. Шартнома бўйича ҳисобланган пеня ва жарималарни тўлаш, тарафларни шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7. Кредит қайтарилишининг таъминланиши, шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби ҳамда бошқа қоидалар.

7.1. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули мол-мулк гарови таъминоти.

7.2. Мазкур шартнома асосида ажратилган кредитнинг қайтарилиши учун асосий таъминот **??creditnumber??** билан таъминланади. *(Таъминот тури аниқ кўрсатилиши лозим)*

7.3. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан эътиборан кучга кирилади ва ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар амалда бўлади.

7.4. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш қўшимча қилинув битими тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритилмаган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб,

тарафларнинг ваколатли вакиллари тарафидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

7.5. Шартноманинг 4.2.2 бандида кўрсатилган ҳолатлар аниқланган ҳамда 9.5 бандида кўрсатилган ҳолатлар рўй берган тақдирда шартнома муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин.

7.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, шартноманинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Қарздорда сақланади.

8. Махфийлик

8.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

8.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.

8.3. Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади.

8.4. Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.

9. Форс-мажор ҳолатлари.

9.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимида қилинган таҳдид (учунчи шахслар томонидан қилинган хужумлар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

9.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунигача қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

9.3. Юзага келган Форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 банк куни ичида бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

9.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (СМС ва ММС хабарлари бундан мустасно).

9.5. Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.

10. Коррупцияга қарши курашиш.

10.1. Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда иккинчи томоннинг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар таклиф қилиши, бериши, тақдим этиши тақиқланади.

10.2. Томонлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида шартноманинг бошқа иштирокчилари томонидан бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар тақдим этиш бўйича таклифини рад қилиши лозим.

10.3. Агар шартнома иштирокчиларида ушбу шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ коррупцион ҳаракат содир этилганилиги тўғрисида маълумот, шубҳа, шубҳага асос бўлувчи далилга эга бўлса, бу тўғрисида иккинчи томонга ёзма шаклда хабар бериш мажбуриятини олади.

10.4. Хабарни олган томон ҳақиқатда коррупцион ҳаракат содир этилмаганлигини ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиққа эга бўлгунича ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

10.5. Пورا бериш эвазига иккинчи томон вакилини, аффилланган шахсини, ходимини ёки шартноманинг бошқа иштирокчиларини шартнома шартларини бажаришда ўзига оғдириб олган томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

11. Низоларни ҳал этиш тартиби.

11.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

11.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.

11.3. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.

11.4. Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

12. Томонларнинг манзиллари, тўлов реквизитлари, имзолари.

БАНК	ҚАРЗДОР
Манзил: ??creditnumber?? МФО: ??creditnumber?? х/р:??creditnumber?? Бошқарувчи: ??creditnumber?? _____ИМЗО <u>www.hamkorbank.uz</u> Тел: 0-800-1-200-200 contact@hamkorbank.uz М.У ??creditnumber??	Манзил: ??creditnumber?? Паспорт маълумотлари: Серия ??creditnumber?? № ??creditnumber?? Ким томонидан берилган: ??creditnumber?? Қачон берилган: ??creditnumber?? Фуқаро: ??creditnumber?? _____ (ИМЗО) ??creditnumber??

БИРГАЛИҚДА КРЕДИТ ОЛУВЧИ
Манзил: _____ Паспорт маълумотлари: Серия _____ № _____ Ким томонидан берилган: _____ Қачон берилган: _____ Фуқаро: _____ _____ (ИМЗО) _____

"Namkorbank" АТБ _____ филиал/бўлинма билан фуқаро _____
 ўртасида "_____" _____ 201_ йил кунги имзоланган № _____ - сонли кредит шартномасига

Муддатли мажбуриятнома

(**тўлов графиги _____ оддий ёки аннуитетда бири танланади _____ усулда**)

"Namkorbank" АТБ _____ филиал/бўлинмага қуйидаги жадвалга асосан _____
 сотиб олиш учун олинган _____ (_____ сўмма сўз билан _____) сўм кредит
 тани ва унга ҳисобланган фоизини қуйидаги муддатларда тўлиқ қайтариш мажбуриятини оламан:

№	Тўлов кун	Муддати ўтадиган кун	Асосий қарз тўлов суммаси	Хисобланган фоизнинг қайтарилиш суммаси	Жами тўлов	Сундирилгунга ча кредит қолдиғи суммаси	Сундирилган дан кейинги кредит қолдиғи суммаси
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
8							
9							
10							
11							
12							
13							
14							
15							
16							
17							
18							
19							
20							
.							
..							
...							
....							
Итого:							

Кредит тўловларини муддатли мажбуриятномада кўрсатилган муддатда кредит шартноманинг 3.1.10 бандига асосан ундириб олишингизни сўрайман.

Филиал/бўлинма бошлиғи

 (ФИШ)
 _____ имзо

Мижоз

 (ФИШ)
 _____ имзо
 инфокиоскадан кредит
 тўловини амалга ошириш учун
 ID:
 Парол: